



Гўзал ЭРГАШЕВА
илмий ва илмий-педагогик кадрлар
тайёрлаш бўлими бошлиғи
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети

РУС ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ПСИХОЛОГИЯГА ОИД ТЕРМИНЛАР МАВЗУИЙ ГУРУҲЛАРДАГИ ЎХШАШ ВА ФАРҚЛИ ЖИҲАТЛАР

Семантик системаларни қиёслашнинг муҳим вазифаларидан бири – терминларни мавзуси билан боғлиқ гуруҳланишини аниқлаш, уларга шарҳ бериш масаласидир. Мақолада рус ва ўзбек тилларидаги психологияга оид терминларнинг мавзуга, асосан, гуруҳларга бўлиниши ўзаро қиёсланган.

Одна из важных задач сравнения семантических систем – это определение и толкование тематических групп терминов. В статье сравниваются психологические термины узбекского и русского языков в тематических группах.

One of the main tasks of the comparison of semantic systems is the identification and interpretation of thematic group terms. Comparative analysis of psychological terms of the Uzbek and Russian languages in thematic groups has been carried out.

Калит сўзлар: психология, тилшунослик, рус тили, ўзбек тили, мавзуй гуруҳ, семантика, термин.

Ключевые слова: психология, языкознание, русский язык, узбекский язык, тематическая группа, семантика, термин.

Key words: psychology, linguistics, Russian language, Uzbek language, thematic group, semantics, term.

Семантик системаларни қиёслашнинг муҳим вазифаларидан бири – терминларнинг мавзуси билан боғлиқ гуруҳларини аниқлаш, уларга шарҳ бериш масаласидир.

Биз қиёслаш учун олган рус тилшунослигида ҳам барча психологик терминлар қамраб олинган монографик тадқиқот мавжуд эмас. Биз рус тилидаги психологияга оид терминларни ўрганишда ҳам, асосан, ўз кузатувларимизга таяндик.

Систем лексикологиянинг тараққиёт босқичи сўзларни *тематик* ва лексик семантик гуруҳларга бирлаштириб, маънони таркибий қисмларга ажратиб ўрганиш билан характерланади(4; 1).

Тадқиқотимизда рус тилидаги 33тадан 28та мавзу гуруҳини таҳлил қилдик, чунки қолган 5та “Общеметодологические понятия психологии”, “Отрасли психологии”, “Возрастная психология”, “Дифференциальная психология”, “Дифференциальная психофизиология” каби тематик гуруҳларда терминлар такрорланган ва уларни алоҳида таҳлил қилишга эҳтиёж йўқ. Шунга кўра, рус тилидаги психологияга оид терминлар ва ўзбек тилидаги психологияга оид терминлар тематик гуруҳларга ажратилди.

Психологиянинг соҳа ва йўналишлари асос қилиб олинган тематик таснифга асосан рус тилида 28та, ўзбек тилида эса 25та тематик гуруҳ ажратилди. Ўзбек тилида 3та тематик гуруҳ йўқ, булар: “Психология компьютеризации”, “Сексология” ва “Психоанализ” гуруҳларидир. Бу гуруҳларга кирувчи терминлар ҳали ўзбек тилига етарлича ўзлашмаган, ўзбекча манбалардан жой олмаган. Айримларига сабаб миллий хусусиятлар, жумладан, урф-одатларимиз бўлса, айримларининг йўқлигига шу соҳанинг яхши тараққий қилмагани сабабдир. Бундан ташқари, гуруҳларга кирувчи терминларнинг миқдори ҳам турлича. Рус тилидаги психологияга оид терминларнинг муайян тематик гуруҳларига терминларнинг қамраб олиншини куйидаги жадвалда акс эттириш мумкин:

№	Рус тилидаги психологияга оид терминлар бирлашган тематик гуруҳ номи ва ундаги терминлар миқдори	Ўзбек тилидаги психологияга оид терминлар бирлашган тематик гуруҳ номи ва ундаги терминлар миқдори
1	“Инженерная психология” – 25та	“Инженерлик психологияси” – 24та
2	“Консультативная психология” – 13та	“Консультатив психология ёки маслаҳатлашув психологияси” – 12та
3	“Медицинская психология” – 51та	“Тиббиёт психологияси” – 51та
4	“Нейропсихология” – 19та	“Нейропсихология” – 21та
5	“Общая психология” – 253 та	“Умумий психология” – 239та
6	“Патопсихология” – 42та	“Патопсихология” – 39та
7	“Педагогическая психология” – 50та	“Педагогик психология” – 45та
8	“Психоанализ” – 21та	йўқ
9	“Психоллингвистика” – 12та	“Психоллингвистика” – 10та
10	“Психология искусства” – 9та	“Санъат психологияси” – 8та
11	“Психология компьютеризации” – 6та	йўқ
12	“Психология личности” – 113та	“Шахс психологияси” – 85та
13	“Психология половых различий” – 6та	“Жинсий фарқлар психологияси” – 6 та
14	“Психология труда” – 23та	“Меҳнат психологияси” – 19та
15	“Психология управления” – 17та	“Бошқариш психологияси” – 14та
16	“Психометрия” – 26та	“Психометрия” – 23та
17	“Психотерапия” – 31та	“Психотерапия” – 28та
18	“Психофизика” – 18та	“Психофизика” – 18 та
19	“Психофизиология” – 62та	“Психофизиология” – 56 та
20	“Сексология” – 15та	йўқ
21	“Социальная психология” – 149та	“Ижтимоий психология” – 98та
22	“Специальная психология” – 7та	“Махсус психология” – 7та

23	“Экстремальная психология” – 19та	“Экстремал психология” – 17та
24	“Этнопсихология” –9та	“Этнопсихология” – 10та
25	“Юридическая психология”–12та	“Юридик психология” – 12та
26	“Методы психологии” – 48та	“Психология методлари” – 43та
27	“Направления, концепции и школы в психологии” – 70та	“Психологиядаги йўналиш, концепция ва мактаблар” – 65та
28	“Зоопсихология” – 9та	“Зоопсихология” – 9та

Кўринадики, рус ва ўзбек тилларидаги психологияга оид терминлар психологиянинг муайян соҳаси ва йўналиши асос қилиб олинган таснифда ҳам мазмунан ҳам миқдоран фарққа эга бўлиб, бу фарқлар ушбу жадвалда кўрсатиб берилди. Рус тилидаги айрим тематик гуруҳларга кўп миқдордаги терминлар кирган (масалан, “Медицинская психология”, “Общая психология”, “Патопсихология”, “Педагогическая психология”, “Психоанализ”, “Психология труда”, “Психометрия”, “Психофизиология” “Психотерапия”, “Психология личности”, “Социальная психология”, “Направления, концепции и школы в психологии”, “Методы психологии” каби гуруҳларга). Аммо ўзбек тилидаги ушбу гуруҳларнинг айримларига кам миқдордаги терминлар кирган. Ёки бунинг аксини кузатиш мумкин. Рус тилидаги айрим тематик гуруҳларга кам миқдордаги терминлар кирган ҳолда ўзбек тилидаги ушбу гуруҳларнинг айримларига кўп миқдордаги терминлар кирган. Бу фарқларнинг сабаблари ҳар бир тилда сўзлашувчи жамият аъзолари дунёқарашининг идроки ва кундалик ҳаёти билан боғланган, деб айтиш мумкин. Зеро, ҳар бир халқ ўз терминологик системасини ички ва ташқи имкониятлари ҳисобига шакллантирар экан, унда ўз дунёқарашини ҳам акс эттиради. Рус тили бунда ўз хусусиятларидан, ўзбек тили ўз хусусиятларидан келиб чиққан.

Изланишимиз натижасида рус тилидаги психологияга оид терминларни психологик жараёнлар асосида ҳам тасниф қилдик. Бундай таснифни рус тилшуносларининг ишларида кузатмадик, аммо рус тилидаги терминларни худди шу асосда тасниф қилиш мумкин, деб ҳисоблаймиз (тасниф “Большая психологическая энциклопедия” ва П.И. Ивановнинг “Общая психология” дарслиги асосида амалга оширилди). Бу тасниф куйидагича кўринишга эга бўлди:

1. “Психические функции (процессы)” (“Психик функциялар (жараёнлар)”) гуруҳи. Бу гуруҳ ўз ичида 9та бўлинди:
 - 1.1. “Чувства (эмоции)” (“Ҳиссиёт”) тематик гуруҳи.
 - 1.2. “Воля” (“Ирода”) мавзуй гуруҳи.
 - 1.3. “Ощущения” (“Сезги”) мавзуй гуруҳи.
 - 1.4. “Мышление” (“Тафаккур”) тематик гуруҳи.
 - 1.5. “Память” (“Хотира”) тематик гуруҳи.

- 1.6. “Речь” (“Нутқ”) тематик гуруҳи.
- 1.7. “Воображение” (“Хаёл”) тематик гуруҳи.
- 1.8. “Внимание” (“Диққат”) мавузий гуруҳи.
- 1.9. “Умения, навъи ва одатлари” (“Малака, кўникма ва одатлар”) тематик гуруҳи.

2. “Индивидуальные особенности личности” (“Шахснинг индивидуал хусусиятлари”) тематик гуруҳи. Бу гуруҳ ўз ичида иккига бўлинди:

- 2.1. “Темперамент ва характер” тематик гуруҳи.
- 2.2. “Способности и интересы” (“Қобилиятлар ва қизиқишлар”) тематик гуруҳи.

Ўзбек тилидаги психологик терминлар ҳам шу асосда тематик гуруҳларга бўлинди:

1. “Шахснинг ҳиссий-иродавий жабҳалари” тематик гуруҳи. Бу гуруҳ ўз ичида иккига бўлинади:

- 1.1. “Ҳиссийёт” тематик гуруҳи.
- 1.2. “Ирода” тематик гуруҳи.

2. “Шахснинг психологик хусусиятлари” тематик гуруҳи. Бу гуруҳ ўз ичида 3та микрогуруҳга бўлинади:

- 2.1. “Темперамент” тематик гуруҳи.
- 2.2. “Характер” тематик гуруҳи.
- 2.3. “Қобилиятлар” тематик гуруҳи.

3. “Билиш жараёнлари” тематик гуруҳи. Бу гуруҳ ўз ичида 7та микрогуруҳга бўлинади:

- 3.1. “Сезги” тематик гуруҳи.
- 3.2. “Идрок” тематик гуруҳи.
- 3.3. “Хотира” тематик гуруҳи.
- 3.4. “Тафаккур” тематик гуруҳи.
- 3.5. “Нутқ” тематик гуруҳи.
- 3.6. “Хаёл” тематик гуруҳи.
- 3.7. “Диққат” тематик гуруҳи.

Кўринадики, рус тилида дастлаб “Психические функции (процессы)” ва “Индивидуальные особенности личности” тематик гуруҳлари ажратилган. Ўзбек тилида эса “Шахснинг ҳиссий-иродавий жабҳалари”, “Шахснинг психологик хусусиятлари”, “Билиш жараёнлари” тематик гуруҳлари ажратилган.

Рус тилида “Психические функции (процессы)” тематик гуруҳи ичида 9та микрогуруҳ бор, ўзбек тилида эса мазкур терминлар бирлашган гуруҳ “Билиш жараёнлари” деб номланган ва унда 7та микрогуруҳ ажратилган.

Рус тилидаги “Индивидуальные особенности личности” тематик гуруҳи ўз ичида 2га бўлинган, збек тилида бу гуруҳга кирувчи терминлар “Шахснинг психологик хусусиятлари” тематик гуруҳига бирлашиб, ўз ичида 3та микрогуруҳга ажратилган.

Ўзбек тилида “Шахснинг ҳиссий-иродавий жабҳалари” тематик гуруҳи алоҳида ажратилган ва бу гуруҳ ўз ичида иккига бўлинган: “Ҳиссиёт” тематик гуруҳи ва “Ирода” тематик гуруҳи. Рус тилида бу тематик гуруҳлар “Психические функции (процессы)” таркибига киритилган, алоҳида ажратилмаган.

Мазкур тематик гуруҳлар таркибига киритилган терминларда ҳам катта фарқлар бор ва бу табиийдир. Ўзбек тилидаги психологияга оид терминларнинг тематик гуруҳлари таркибида миллий менталитет, асрий анъаналар, ўзбек халқининг миллий қадриятлари, Миллий истиқлол ғояси сингдирилган терминлар жуда кўп. Рус тилидаги психологияга оид терминологияда эса асосан европача тафаккур, дунёқараш сингдирилган терминлар кўп. Бу гуруҳларга кирувчи терминлар миқдор жиҳатидан ҳам фарқ қилди.

Кўринадики, рус ва ўзбек тилларидаги психологияга оид терминлар ушбу таснифда ҳам мазмунан, ҳам миқдоран фарққа эга бўлиб, бу кўрсатиб берилди. Рус тилидаги айрим тематик гуруҳларга кўп миқдордаги терминлар кирган бўлса, ўзбек тилидаги ушбу гуруҳларнинг айримларига кам миқдордаги терминлар кирган. Ёки бунинг аксини кузатиш мумкин. Рус тилидаги айрим тематик гуруҳларга кам миқдордаги терминлар кирган ҳолда ўзбек тилидаги ушбу гуруҳларнинг айримларига кўп миқдордаги терминлар кирган. Бу фарқларнинг сабаблари ҳар бир тилнинг миллий дунёқараши, идроки ва кундалик ҳаёти билан боғланган деб айтиш мумкин. Зеро, ҳар бир халқ ўз терминологик системасини ички ва ташқи имкониятлар ҳисобига шакллантирар экан, унда ўз дунёқарашини ҳам акс эттиради. Рус тили бунда ўз хусусиятларидан, ўзбек тили ўз хусусиятларидан келиб чиққан. Ва буни маъқуллаш мумкин. Зеро, ўзбек тилидаги психологияга оид терминларнинг тематик гуруҳлари таркибида миллий менталитет, асрий миллий анъаналар, ўзбек халқининг миллий қадриятлари, Миллий истиқлол ғояси сингдирилган терминлар жуда кўп. Рус тилидаги психологияга оид терминологияда эса, асосан, европача тафаккур, дунёқараш сингдирилган терминлар кўп.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Большая психологическая энциклопедия. – М.: Эксмо, 2007. – 543 с.
2. Иванов П. И. Общая психология. – Ташкент: Ўқитувчи, 1967. – 544 с.

3. Карпенко Л.А. Психология. Словарь. – М.: Издательство политической литературы, 1990. – 494 с.
4. Сафарова Р. Лексик-семантик муносабатнинг турлари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1996. – 152 б.
5. Ғозиев Э. Умумий психология: Психология мутахассислиги учун дарслик. – Тошкент: “Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти” нашриёти, 2010. – 544 б.